

TOSHKEENT NAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod



Жараён

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Ташкент вилояти округ сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиши округ сайлов комиссияси раиси Улуғбек Тўхтаев бошқарди.

Қайд этилганидек, Халқ депутатлари Ташкент вилоятининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Ташкент

вилояти округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тасвия этилган эди. Сессияда сайловга тайёргарлик кўриш ва тўқизища етариш тажрибасига эта бўлган, аҳоли ўртасида обўр-этибор қонзиган фуқаролар орасидан комиссия раиси, ўринбосари, котиби ва аъзолари номзоди мъмкүлланди.

2



Кун тасвири



ТОШКЕНТ вилоятида тажрибали дехон ва агрономлардан иборат «Мадад» гурухи иш бошлади. Гурӯҳ аъзолари худудларда бўлиб, гўза, гапла ҳамда бошқа экинларни тўғри парваришлаш, касаллик ва зараркунданаларга қарши курашида фермерларга ёрдам беришмоқда.



Халқaro музейлар куни мусобабат билан ВИЛОЯТИ-МИЗдаги 5 та музеяди «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Шу куни томошабинлар сони 2-3 баробарга ортди.



ТОШКЕНТ тумани судида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Унда соҳа фахрийлари ёшларга ўз ҳаётий тажрибларидан, фаолиятлари даврида содир бўлган қизиқарли воқеалардан сўзлаб бердилар.



АНГРЕН шаҳар ҳокими А. Райимов тадбиркор ва ишбормонлар билан учрашиди. Ўзаро мулокот чоюда тадбиркорларнинг янги лойиҳалари, яратидиган иш ўрнлари ҳамда муаммолари мухоммада қилинди.



ЎРТА ЧИРЧИК туманидаги 68-сонли умумтаълим мактабида «Қасблар фестивали» кўргазмасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги 55 та умумтаълим мактаби, 124-сонли махсус мактаб-интернати, «Баркамол авлод» болалар мактабларидан иштироқчилар қатнашиди. Фестивалда 64 йўналишдаги қасблар бўйича ўкувчиларнинг ижодий кўргазмалари на мойиш этилди.



Танлов

Ташкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим мактаблари ўртасида «Хорижий тилларни ўқитиши бўйича ёнг яхши мактаб» танловининг вилоят босқичи якунланди.

ТИЛ БИЛГАНГА МИЛЛИОНЛАР

Унда туман ва шаҳарларда ўтган биринчи босқичда ғолибликни кўлга киритган 22 та таълим мусассасидан 5 нафардан 110 нафар ўқувчи иштирок этди.

— Танлов жуда қизиқарли ўтди, — дейди ҳайят аъзоси Дилдора Насридинова. — Икки соат давомидан ўқувчиларнинг билимлари синовдан ўтди. Улар хорижий тилларни ўрганишга иштиёқлари баландлигини намойиш этишиди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин ва 250 миллион сўм пул мукофотини Олималик шахридаги 5-мактаб ўқувчилари, 2-ўрин ва 200 миллион сўм пул мукофотини Оҳангарон туманидаги 52-мактаб ўқувчилари, 3-ўрин ва 150 миллион сўм пул мукофотини Зангигота туманидаги 22-мактаб ўқувчилари кўлга киритишли.

Голиб жамоа вилоятимиз шарафини республика босқичида ҳимоя қиласи.

Нигора ЎРОЛОВА
/Ташкент ҳақиқати/
Шерзод ҚОРАБОЕВ
олган сурат

БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ЎНЛАБ ТАҶДИРЛАР



Жорий йилнинг илк чорагида вилоятда сектор раҳбарлари томонидан 1 минг 195 марта саёр қабул ўтказилган. Уларда 7 минг 586 нафар фуқародан 8 минг 414 та масала бўйича мурожаатлар қабул қилиниб, 1 минг 999 таси ижобий ҳал этилган.

3



“СЕҲРЛИ ДИЁР” ОҲАНРАБОСИ ёхуд “Грин карта” васвасаси

Бугун кўпчилик АҚШда таҳсил олишни, у ерга бориб ишлаша ва яшашни орзу қиласи. Шу боис куз келди дегунча, кўча-кўйда “Грин карта тўлдирамиз”, “АҚШда яшашни истайсизми?” каби рекламаларга кўзимиз тушади. Баъзи тужжорлар эса, айрим одамларнинг соддалигидан устонлик билан фойдаланиб “сеҳрли диёр”га боришнинг мутлақа бошқа, яъни ўеч қандайд лотереясиз, ҳатто визасиз, чегаралардан гўёки “қонуний” олиб ўтишини ваъда қилишади. Албатта, мўмайгина “ақча” эвазига.

2



Кўши қарши саодати

Вилоятимизда 50 йил ва ундан зиёд вақт бирга турмуш кечириб, оила аталмиш мұқаддас қўргонни асраган, рўзгор ва турмуш қийинчиликларини сабр билан енгиб, бирга умргузаронлик қилаётган мўтабар отахон ва онахонлар кўп.

Қибрай туманининг "Янги ҳаёт" махалласидаги яшовчи Сайдакбар ота ва Раъно ая Камоловлар салкем 58 йилдан бери биргалар. Тур-

мушлари давомида 4 ўғил ва 1 қизни вояжга етказиб, элга қўшиши. Буғун 14 навараю, 7 эвра атрофларида парвона. Асосиси, улар ўтаётган

Ўрганишлар натижасида вилоятда 2 та 70 йил ва 42 та 60 йилдан ортиқ, 933 та 50 йилдан зиёд биргаликда яшаб келаётган оиласлар аниқланди. Бирга яшаш саодатига эришган бу нуронийларнинг ҳаётини ёш оиласларга чинакам ибрат мактабидир. Зоро, оила кургач, унинг иссик-совуғига бардошли бўлиш билангина биргаликдаги турмушнинг мустаҳкамлиги таъминланади.

хар кунларидан рози, бахтиёр.
— Бахтнинг калити

бир-бирини тушуниш, кечириш ва авайлашда, — дейди Раъно ая. — Тур-

муш ўрготим кўп йиллар кишишо кўхалиги соҳасида ишладилар. Ҳатто-ки, ойлаб уйга келмаган вақтлари ҳам бўлган. Оиласда доим бир-биримизни тушуниш, яхши-ёмон кунларда кўллаб-куватлаб яшадик. Ўзимга келсан, "Хўп бўлади" деб кам бўлмадим. Ҳозир болаларимиз ҳам биздан ўнрак олиб тинч-тотув, фаронен хоёт кечиришимоқда. Шундай кунларга етказанига шукр.

Нозима РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/

Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Фотоархив



Иссиқхонанинг жажжи маликаси

Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Шанба сабоқлари ······

Баъзан неча йиллардан бўён кўришмаган яқининг қўнгироқ қилиб қўлса, ҳайрон бўласан ва тахмин қиласан. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Телефонига жавоб бергунимча бирлаҳазда кўз ўнгимдан мана бу воқеалар ўтди...

Чамаси, 2008 йил эди. Ўшанда ҳам худди шу дўстсум қўнгироқ қилиб, дабурдурустан мени тўйига таклиф қилиб қолди. Қолаверса, кўйёвжора бўлишини сўради. Бажонидил рози бўлдим. Унинг илтимосига кўра, тўйига бошловчи ҳам гаплашдим.

Ўша пайтлари талаба, қолаверса, бўйдок эдим. Кўйёвжора бўлиши ўзи учун ҳам қизиқ эди.

Шундай қилиб, ҳозир машҳур актёр, эл ичидаги обрўли танишини тўйига гаплашдим. Ўртакашлик учун. Тўйига кўзига кўйёвжора бўлаётган экан. Кўёв боланинг ота-онаси тўйига карши, "Агар шу қизга уйлансанг сенек фарзандим йўк", қабилида гаплар айттилган экан.

Лекин бундай тақиқларга қарамай, иккни ёш ўз тақдирини ўзи ҳал қилаётганди.

Нега дўстимнинг ота-онаси бу қизга уйланшига қарши бўлди?

Сўраб билсан, келин оққўргонлик ва қолаверса, кўёвдан иккни ёш катта экан. Дўстимнинг насл-насаби асл тошкентлик бўлиб, ота-онаси ўғлига фақат пойтактдан келин олишини ният қилишган экан.

Аммо севгининг кўзи кўр, у маҳаллийчиларни ҳам, миллатчиларни ҳам тан олмайди. Кимларнингdir максади ва хоҳишига кўнмайди.

Зум ўтмай, кўёв-

бурсагидан қўним учун ижара уй олишган.

Албатта, ёшлар ота-оналарини тўйига таклиф қилиши. Улар қанчалар оғринишмасин, барibir тўйига келишиди.

Тўйи совукнина ўтгани ёдимда. Кўёвнинг акаси бошловчига: "Ота-оналарга сўз бермайсан", деб кетди.

Зум ўтмай, кўёв-

ман. Бу сизлар учун тўй, мен учун аза, фарзандимиз бизни тириклайн гўрга тиқкан кун...

Узоқдан кўёвнинг акаси: "Онахон, умакни кечиринг, у сизни ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши қўради", деб ийнлёттанина кўзим тушди.

Келин ва кўёв никоҳ кечаси қирол ва қиролича эмас, кулданча аборор бир алғозда ўтиришганди...

Онаси микрофонни топшириди, даврадан магрур чиқиб кетди. Бир дақиқа жимлик чўқди, лекин ўша бир дақиқа йилларга тенг сокинлик бўлди, гўё...

Ҳамма музлади.

Бундан кейинги манзара эсимда йўқ. Мана йиллар ўтди, кўёв билан орада бир-икчи кўришдик. Гоҳ-гоҳ эшитиб турардим. Тўйидан кейин анча қийналишибди, ниҳоят, фарзандли бўлишганида онаси кечириб, уйига олиб кетиди. Эр-хотин бирга ишлаб, оналарни Ҳаж зиёратига жўннатишибди...


Кисматни қаранг, бошида келинни қабул кўлмаган қайнонанинг куни шу келинга қолибди. Она кариб, хасталаниб, ётиб қолганида ҳам шу келин ои юваб, оқ тарабди, дусини олибди.

Мана, вақти соати етиб, онаизор айни шу келининг кўлида омонатни топширибди...

Дўстим бу гал мени ана шу мусибатдан хабардор қилиш учун қўнгироқ қилган экан...

Аскар ИСМОИЛОВ

Ҳаммасини вақт қўрсатади



Хуллас, тўйини ҳам иккни ёшнинг ўзи қилаётганди. Эшишишмача, келин ҳам тўй учун тилла узулкари-ни сотган, кўёв қарз-хавола кўттарган... Тўйидан сўнг Тошкентнинг бир

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН САРАЛАШ
БОСҚИЧИГА МЕЗБОНЛИК
ҚИЛАДИ

Футбол бўйича аёллар терма жамоалари ўртасида Париж-2024 саралашининг 2-босқичига курба ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 12 жамоа 3 та гурухга бўлинди.

Ўзбекистон аёллар милий жамоаси Япония, Въетнам ва Ҳиндистон билан "C" гурухдан ўрин олди. Гурух босқичи ўйинлари бир мамлакатда марказлашган ҳолда ўтказилади ва ўйинларга Ўзбекистон мезбонлик қиласи.

Бу босқичда гурух голиблари ва 2-уринни эгаллаганлар орасида ёзган юксактинга эга ўйиган билан бир жамоа кейинги турга йўл олади. Якуний босқичда эса қўрба ёрдамида 4 жамоадан иккита жуфтлик ҳосил қилинади. Улар 24 ва 28 февраль кунлари "ўй-сафар" тизимида ўзаро тўқнаш келишади. Голиб жамоалар Париж-2024 йўлланмасини кўла киритишиади.

ВЕЛОПОЙГА ОМАДЛИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти трассаларида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича "Oqtosh-Chorvoq Mountain" кўпкунлик пойгалири якунланди.

Халқаро велоспорчилар итифоқи (UCI) тақвим режисидан ўрин олган ушбу ҳалқаро турнирда 14 мамлакатдан 120 нафар спортич Париж-2024 ёзги Олимпия ўйинларининг рейting очконлари учун кураш олиб боришиди.

Мусобакада иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 5 та олтин, 3 тадан кумуш ва бронза, жами 11 та медалин кўлга киритди. Вакилларимиздан Янина Кускова (2 та), Ольга Забелинская, Маргарита Миорина ва Улуғбек Сайдовга тенг келадиган рақиб топилмади.

Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси маълумотига кўра, ушбу мусобака орқали мамлакатимиз эркаклар терма жамоаси 151, аёллар жамоаси эса 402 рейтинг очкоини жамғарига муваффақ бўлди. Бу орқали жаҳон рейтингидаги аёллар термаси 23 дан 15-погонага, йигитлар жамоаси эса 52 дан 45-ўринга кутиради.

ТҮПУРАР ФУТБОЛДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Футбол бўйича Англия премьер лигаси вакили "Брентфорд" клуби хужумчиси Айван Тони 8 ойга футболдан четлатилди.

Англия фут bolt асоциациясининг расмий хабарига кўра, футбольчи букмекерлик сайтилар орқали ўйинларга пул тикиб келган. Ўтган йиллар давомида Тонининг шахсан ўзи пул тиккани тасдиқланган 200 дан ортиқ ҳолат аниқланган.

Ассоциация қарорига кўра, Айван Тони 8 ойга футboldagi ҳар қандай фаoliyatlardan четлатилди. Футбольчи дисвалификациядан ташкари, 58 минг евро жарима ҳам тўлайди. Чекпой муддати 2024 йил 16 январда тугайди.

Маълумот учун, Тони жорий мавсум клуби сафидаги 35 ўйинда 21 та гол ва 5 та ассистга муаллифлини қилган. У АПЛ тўйурларлари рўйхатида Ҳоланд (36) ва Кейндан (27) кейин 20 та гол билан 3-ўйинда бормокда.

Аввалроқ, англиялик 27 ўшили бу хужумчига "Челси" ва "Манчестер Юнайтед" қизиқиш билдираётгани ҳақида хабар қилинган.

Суҳробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/
тайёрлади



TOSHKENT НАОҚАТЫ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:
Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIFOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEV

Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lionlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@mail.ru

Navbatchi muharrir:
Erali NORBEKOV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Nozima RASULova

Bosishga topshirish vaqt - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.30.
Nashr ko'satkichi - 205.

Buyurtma G-531.
7 769 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset uslida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelilishgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahriri yati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxonalar manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41uy.

1 2 3 4 5 6